

Даврон НУРМУҲАММАД,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШОШИЙНИНГ БУХОРО ҲАДИС МАКТАБИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Маълумки, ҳижрий учинчи (мил. IX) асрда Мовароуннахр ва Хуросонда ҳадис илми ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди. Ушбу аср манбаларда ҳадис илмининг олтин даври сифатида эътироф этилади. Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ана шундай асрда фаолият кўрсатган муҳаддис олимлардан бири.

Кулайб Шоший “Мовароуннахр муҳаддиси” сифатида дунёга машҳур бўлган. Қатор уламолар унинг номини “Имом Шоший” дея эҳтиром билан тилга олиб, ишончли муҳаддис, ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлганини алоҳида таъкидлашган.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) асарида Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг номини икки ўринда – ҳам ал-Бинкасий нисбати билан Бинкат шаҳри уламолари қаторида, ҳам аш-Шоший нисбати билан шошлик уламолар қаторида биров фаркли тарзда келтирган. Улардан бирида асли Термиздан бўлиб, Бинкатда яшагани учун унга ал-Бинкасий нисбат берилгани айтилади. Иккинчи ўринда эса, асли марвлик бўлиб, Бухорога келгани айтилади¹.

¹ Самъоний. Ал-Ансоб. 12 жилдлик. Тадқиқот ва изохлар муаллифи: Шайх Абдурахмон ибн Яҳё Маъламий Ямоний. – Қоҳира: Ибн Таймия кутубхонаси, 1980. 2-жилд. – Б. 317.

Самъоний бундай ёзади: “Сайхун дарёси ортидаги, турклар билан чегарадош шаҳар “Шош” деб аталади. Бу ердан кўплаб олимлар етишиб чиққан, улардан бири Ҳайсам ибн Кулайбдир. Олимнинг тўлиқ исми Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Маъқил Шоший Бинкатий бўлиб, у имом, ҳофиз, ишончли муҳаддис ва “Муснад ал-Кабир” асарининг муаллифи.

Исо ибн Аҳмад Асқалоний (180–268 ҳ./796–881 йй.), Исҳоқ ибн Иброҳим Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (209–279 ҳ./824–892 йй.), Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Идрис Розий (195–277 ҳ./810–890 йй.), Абу Бакр Аҳмад ибн Абу Ҳайсам Зухайр ибн Ҳарб (160–234 ҳ./777–848 йй.), Аббос ибн Муҳаммад Дурий (ваф. 271 ҳ./884 йй.) ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганган, ҳадис ривоят қилган. Ироқ уламоларидан ҳам таълим олган.

Ундан Балх, Бухоро, Самарқанд ва Насафда ҳадис ривоят қилган Абулқосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Хузоъий Балхий (326–410 ҳ./938–1020 йй.), Шошийдан охириги ривоят қилган шахс сифатида қайд этиладиган Абулфазл Мансур ибн Наср ибн Абдурахим Қағозий Самарқандий (ваф. 423 ҳ./1032 йй.) ва бошқалар ривоят қилган. Унинг вафоти 350/961 йиллар атрофи ёки ундан олдин бўлган².

² Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. – Байрут, 1980. Ж. 2. – Б. 317–318.

Шамсуддин Заҳабий (1274–1348) “Сияр аълом ан-нубало” (“Олижаноб алломалар сийратлари”) асарида, Имом Шошийнинг тўлиқ исмини қуйидагича келтиради: “Абу Саъид Хайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Маъқил Шоший Туркий”.

Заҳабий “Тазкиратул-хуффо” асарида Хайсам ибн Кулайб мовароуннаҳрлик таниқли ва ишончли муҳаддис, сик³ ровий, сайёҳ (жуда кўп шаҳарларни кезган), ҳофиз⁴ ва адиб бўлганини, асли Марвдан, “Муснад ал-кабир”нинг муаллифи эканини, 334 х./995 йилда Бухорога бориб ҳадис ривоят қилганини⁵ ёзган.

Шунингдек, Исо ибн Аҳмад Асқалоний⁶, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизий⁷ ва Закарийе ибн Яҳё ибн Асад Марвазийдан (Суфён ибн Уяйнанинг соҳиби, Бағдодда яшаган, ваф. 270/883), Аҳмад ибн Мулаъиб Бағдодий (сик ровий, 191–275 х./807–888 йй.), Али ибн Саҳл Ромлий (содук ва сик, ваф. 261 х./874 йй.), Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Мунодий Бағдодийдан (Имом Бухорий ундан ривоят қилган содук, 171–272 х./787–885 йй.), Яҳё ибн Жаъфар ибн Зибриқондан⁸ (182–275 х./798–889

йй.), Ҳамдон ибн Али Варроқ, Муҳаммад ибн Исо Мадоъиний, Абу Бухтарий, ибн Шоқир, Али ибн Саҳл, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Қассор, Яҳё Абу Толиб, Аббос ибн Муҳаммад Дурий, Муҳаммад ибн Исҳоқ Соғоний ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганини, ундан эса ҳофиз Абу Абдуллоҳ ибн Манда Асбаҳоний (310–395 х./922–1005 йй.) Бухорога, яна бир ўринда Шошга бориб ривоят қилганини айтади⁹.

Ёкут Ҳамавий (1179–1229) Шошнинг пойтахти (ёки асосий шаҳри) бўлган Бинкат тўғрисида маълумотлар берар экан, ушбу ўлка олимларидан бўлган Абу Саъид Хайсам ибн Кулайб ибн Шурайх ибн Маъқил Шоший Бинкатийга алоҳида тўхталиб, бундай дейди: «Хайсам ибн Кулайб Шоший имом, ҳофиз, илм талабида саёҳат қилувчи, муҳаддис ва адиб. Адаб илмини Бағдодда Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайбадан ўрганган. Хуросон ва Ироқ илм аҳлидан ҳадислар ривоят қилган. Унинг “Муснад” асари бор. У ҳақда Марвда Ҳофиз Али ибн Музаффар Абдурахим ибн Абу Саъддан эшитдик»¹⁰.

Абу Саъид Хайсам ибн Кулайб Шоший ҳадис илмини ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, таниқли муҳаддислардан сабоқ олган. Қолаверса, Балх, Боғдод каби шаҳарларга ҳам сафар қилган.

Имом Шоший илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, шу боис унинг кўп шогирдлари мана шу шаҳарларда яшаган¹¹.

Айниқса, Ҳузоъий ва Халилий каби йирик шогирдлари устозларининг муносиб давомчиси сифатида Бухорода ҳадис илмининг ривожланишига улкан ҳисса қўшишди.

Абул Қосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Ҳузоъий Балхий устози Кулайб Шошийдан Имом Термизийнинг “Шамоил”, “Жоме”, Ибн Қутайбанинг “Ғарибул ҳадис”

Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 15. – Б. 359.

⁹ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 15. – Б. 360361; Шу муаллиф. Тазкирот ал-хуффо. Ж. 3. – Б. 848; Шу муаллиф. Тарих ал-Ислом. Ж. 25. – Б. 132-133.

¹⁰ Ёкут Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Ж. 1. – Б. 500.

¹¹ Убайдулла Уватов. Имом Шоший ҳаёти ва ижодида оид баъзи маълумотлар // Тарихий манбашунослик муаммолари. – Т.: Университет, 2003. – Б. 48.

³ Ишончли ровий.

⁴ Ҳадис илми билан шуғулланган олимлар орасида даражаси энг баланд ва мақоми юксак бўлган кишилар “ҳофиз” деб аталади. Ҳадис ҳофизлари Расулulloҳ (с.а.в.) суннатларини яхши билган, йўлларини эгаллаган, саҳиҳ ҳадисларни ёд билган, санадларини бир-биридан ажрата оладиган, жарҳ ва таъдилдан хабардор, ҳадис матнларини тадқиқ эта оладиган ва ровийлар ҳаётини яхши билган парҳезкор кишилар бўлади. Ҳофизлар йигирма мингдан беш юз минггача ҳадисни ёд билишган.

⁵ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 15. – Б. 359.

⁶ Қаранг: Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. – Байрут, 1980. Ж. 2. – Б. 317; Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. ат-Тақйид. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1988. Ж. 1. – Б. 479; Муҳаммад ибн Тохир ибн Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. – ар-Риёд: Дор ас-самийй, 1995. Ж. 3. – Б. 827.

⁷ Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. Ж. 2. – Б. 312; Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. ат-Тақйид. Ж. 1. – Б. 479; Тазкират ал-хуффо. Ж. 3. – Б. 827; Яна қаранг: Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. Такмилат ал-икмол. – Маккаи мукаррама: Жомият умма ал-қура, 1990. Ж. 3. – Б. 487.

⁸ Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий ат-Тақйид. Ж. 1. – Б. 479; Тазкират ал-хуффо. Ж. 2. – Б. 634;

асарларини ўрганди. Натижада замонасининг етук муҳаддисларидан бўлиб етишди. Бу ҳақда Самъоний айтиди: “Хузоъий ишончли ҳадисларни ривоят қилувчи¹²”. Шамсиддин Заҳабий: “Ишончли муҳаддис олим¹³” деган.

Хузоъий Бухоро, Самарқанд ва Насаф каби шаҳарларга илмий сафар қилган. Ва шу шаҳарларда Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг “Муснад”, Ибн Қутайбанинг “Ғарибул ҳадис” ва Имом Термизийнинг “Жоме” ва “Шамоил ан-Набавий” асарларидан дарс ўтган¹⁴.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Бухорий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Тархон Балхий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ханб, Абу Амр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Жамол, Муҳаммад ибн Аҳмад Суламий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Хузоъий 411 йил (Сафар ойининг 28 кунда) Бухорода вафот этган.

Имом Шошийнинг Бухорода яшаб, ўша ерда вафот этган шогирдларидан яна бири Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Тохир Халилий Абул Қосим ибн Абу Мансур Зиёдий Ҳижрий 391 йили Балхда таваллуд топган. Халилий таҳаллусини Балх шаҳрининг Шайхулислом Қози Халил ибн Аҳмаднинг хизматида бўлганида олган¹⁵.

Абул Қосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Хузоъийдан Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг “Муснад”, Имом Термизийнинг “Шамоил”, “Жоме”, Ибн Қутайбанинг “Ғарибул ҳадис” асарларини тинглади. Халилий ҳақида Самъоний бундай дейди: “Халилий ростгўй олим, ишончли муҳаддис”.

Халилий 492 йил (Сафар ойида) Бухорода вафот этган.

Бундан ташқари, Имом Шошийдан аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Басир, имом, ҳофиз, сайёҳ, муҳаддис Абу Абдуллоҳ ибн Манда Асбаҳоний (ваф. 395 ҳ./1005 й.)¹⁶ (Ибн Манда асарида Имом Шошийдан 334 ҳ./945 йилда Бухорода ҳадис илмидан сабоқ олганини алоҳида қайд этган¹⁷), имом, ҳофиз

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ибн Рустам Бухорий Калабозий (ваф. 398/)¹⁸, Абулфазл Мансур ибн Наср ибн Абдурахим Қоғазий¹⁹, Мансур ибн Наср ибн Абдурахим Самарқандий ҳадис илмини ўрганишган ва ундан ҳадислар ривоят қилишган²⁰.

Шунингдек, Субкий Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Авданий Бухорий (ваф. 385 ҳ./995 й.) ҳақида маълумот берар экан, Ҳайсам ибн Кулайб Шошийни унинг шайхларидан бири сифатида қайд этади²¹.

Муҳаммад ибн Тохир ибн Қайсароний “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар тазкираси”) асарида: «Ҳофиз, ишончли муҳаддис – Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайх ибн Маъкил Шоший Мовароуннаҳр муҳаддиси бўлиб, “Муснади кабир” асарининг муаллифидир»²², деган.

Шамсуддин Заҳабий “Табақот ал-муҳаддисин” (“Муҳаддислар табақалари”) асарида қуйидагича ёзган: «Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ҳофиз, “Муснад” асари муаллифидир»²³.

Ибн Иъмод: “Мовароуннаҳрлик ишончли муҳаддис”²⁴, деган.

«Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сариж ибн Маъқал Шоший “Муснад ал-Кабир” китобининг муаллифи. Араб тилида жуда моҳир бўлган. Имом Термизийнинг “Аш-шамоилул Муҳаммадия” китобини ривоят қилган. Турли наشريётлар айнан шу кишининг қўлёзмаларидан фойдаланиб, “Аш-шамоилул Муҳаммадия” китобини чоп қилишган.

Қози Иёз “Ғуня” асарида Имом Термизийнинг “Жоме” асарини Имом Шошийдан ривоят қилинган нусхаси ҳақида бундай ёзади: “Абу Саиднинг Имом

¹² Ансоб. Тақийд.

¹³ Шамсиддин Заҳабий. Сияр аълом ван нубало.

¹⁴ Ансоб. Тақийд. Сияр аълом ван нубало. Ибр. Шазорот аз-заҳаб.

¹⁵ Ансоб. Тақийд. Лубоб.

¹⁶ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 17. – Б. 30

¹⁷ Ибн Манда. Фатҳ ал-боб. – Б. 388.

¹⁸ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 17. – Б. 94

¹⁹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Бағдодий. Такмилат ал-икмол. Маккаи мукаррама: Жомиъат умма ал-қура, 1990. Ж. 1. – Б. 232; Муҳаммад ибн Тохир ибн Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. Ж. 3. – Б. 848.

²⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулҳодий Димашкий Солихий. Табоқот уламоил ҳадис. Байрут. Муассасатур Рисала. Ж. 3. – Б. 40.

²¹ Субкий. Табақот. Ж. 3. – Б. 182.

²² Муҳаммад ибн Тохир ибн Қайсароний. Тазкират ал-хуффо. Ж. 3. – Б. 848.

²³ Шамсуддин Заҳабий. Табақотал-муҳаддисин. – Аммон: Дор ал-Фурқон. 1983. Ж. 1. – Б. 111.

²⁴ Шазаротуз заҳаб. Ж. 2. – Б. 342.

Термизийдан ривоят қилган “Жоме” нусхасида бошқа нусхаларда бўлмаган ҳадислар бор”»²⁵.

Заҳабийнинг “Ал-Муснад ал-Кабир” (ريکالہ دینسلا) иборасини қўлаганидан сўнг китоб номи шу ном билан машҳур бўла бошлади.

Муҳаммад Матар Заҳроний “Тадвин ас-сунна ан-набавия” асарида энг муҳим муснад асар муаллифлари қаторида Ҳайсам ибн Кулайб Абу Саид Шошийни санаб ўтади. Аммо олим нима учун ўзи кўрсатган муснад асарларнинг муҳим эканига изоҳ бермаган²⁶.

Жалолиддин Суютийнинг “Табақот ал-хуффо” (“Ҳадис ҳофизлари табақаси”) номли китобида 11-табақада Ал-Ҳофиз ал-муҳаддис ас-сиқо Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайх ибн Маъқал ал-Ақийлий тарзида келтиради. Мовароуннаҳр муҳаддис ва “ал-Муснад ал-кабир” асари муаллифи эканини, Термизий ва Дуварийдан ҳадис тинглагани ва ундан Ибн Минда ҳадис ривояти қилганини айтиб ўтади²⁷.

Марокашлик муҳаддис олим Саййид Абдулмажид Ғоврий (1910–1993) “Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуних” (“Ҳадис илмлари энциклопедияси”) асарида энг муҳим муснадлар қаторида Имом Шошийнинг “Муснад”ини келтириб, бундай деб ёзади: “Ҳайсам ибн Кулайб Абу Саъид Шоший Мовароуннаҳр имомларидан, ҳофиз даражасига етган олим. “Муснад” асари тўлиқ ҳолида етиб келмаган. Асарда саҳоба танлаб олиниб, ундан ривоят қилган ровийлар алифбо тартибида берилган”²⁸.

Юртимиз алломаларидан Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон (1908–1982) аллома ҳақида бундай дейди: “Ҳайсам ибн Кулайб Мовароуннаҳрнинг йирик уламоларидан. Қаффош Шошийнинг устози. Машҳур муҳаддис ва замонасининг етук олими”²⁹.

²⁵ Одилов Юнусов. Муҳаддис ва фақиҳ аллома. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 20.

²⁶ Қаранг: Муҳаммад Матар Заҳроний. Тадвин ас-сунна ан-набавия. – Риёз: Дор ал-минҳож, 2010. – Б. 91-94.

²⁷ <http://hadith.islam-db.com/narrators/33342/%D9%85%D9%86%D8%B5%D9%88%D8%B1-%D8%A8%D9%86-%D9%86%D8%B5%D8%B1>

²⁸ Саййид Абдулможид Ғоврий. Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуних. – Димашқ: Дор Ибн Касир, 2007. Ж. 3. – Б. 287289.

²⁹ Шамсиддин Бабаханов. Муфтий Зиявуддин ибн Эшон Бабахан. Жизнь и деятельность. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Ташкент. – Б. 234, 236.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1952–2015) эса: “Ҳайсам ибн Кулайб Шоший – машҳур олим, муҳаддис, Имом Термизийнинг яқин шогирдларидан”³⁰, деган.

Шамсуддин Заҳабий “Сияр аълом ан-нубало” асарида Имом Шошийни 335 ҳ./947 йилда Самарқандда вафот этган деб кўрсатган³¹. Аслида, Имом Шоший умрининг охириги йиллари Бухорода истиқомат қилиб, кейин Шошга қайтгани ва 335 ҳ./947 йилда Шошда вафот этгани қатор ишончли манбаларда қайд этилган³².

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати (ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси) раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратларининг таъкидлашича, Ҳазрати Имом (Хаст имом) ҳудудида Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ва Хўжа Аҳрор Валийнинг отаси Хўжа Маҳмуд Шошийнинг мақбараси мавжуд бўлган, аммо кейинчалик сақланиб қолмаган³³.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳадис илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Хива, Насаф, Термиз, Марв каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этган. Бу борада Имом Шошийнинг Ислом илмлари шаҳри бўлмиш Бухорода ҳадис илмининг ривожига қўшган ҳиссасини, етиштирган шогирдларининг устозлари йўлини давом эттиришдаги саъй-ҳаракатларини тадқиқ-таҳлил этиш долзарбдир.

³⁰ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Табаррук зот, табаррук мерос. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990. 14 сентябрь. №37. 3089. – Б. 1.

³¹ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут, 1997. Ж. 15. – Б. 360361; Шу муаллиф. Тазкирот ал-хуффо. Ж. 3. – Б. 848; Шу муаллиф. Тарих ал-Ислом. Ж. 25. – Б. 132133.

³² Қаранг: Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. ат-Тақийд. – Байрут: Дор ат-кутуб ал-илмия. 1988. Ж. 1. – Б. 479; Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғани Бағдодий. Такмилат ал-икмол. – Маккаи мукаррама: Жомийат умма ал-кура, 1990. Ж. 3. – Б. 487; Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. – Байрут, 1980. Ж. 7. – Б. 246.

³³ Қаранг: Шамсиддин Бабаханов. Муфтий Зиявуддин ибн Эшон Бабахан. Жизнь и деятельность. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Ташкент, 1999. – Б. 236.